O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 22 февраль, № 37 (4447) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда банклар Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини омонатларнинг миқдорини чекламаган ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда қабул қилишга мажбурдирлар.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларга қўйиладиган маблағлар манбалари декларация қилинмайди;

2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларга қўйиладиган пул маблағлари солиқлардан ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади.

3. Республика банкларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат қўювчи жисмоний шахслар ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган банклардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари қонунийлиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сири ҳисобланадиган бошқа маълумотларни сўраб олиш қатъиян тақиқлансин.

Пул қўювчидан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа ахборотларни ҳар қандай тарзда талаб қилиш ноқонуний деб ҳисоблансин, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонун ҳужжатларига мувофиқ:

пул қўювчи жисмоний шахслар банклардаги депозит ҳисобварақларига қўйилган пул маблағларини ўзларининг хоҳишларига кўра ва чекловларсиз тасарруф этишлари мумкин;

банклар жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусида банк сири сақланишини кафолатлашлари шарт;

банк сири ҳисобланган маълумотларни ноқонуний ошкор этгани ёки учинчи шахсларга бергани учун айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органлари, банклар, мансабдор шахслар томонидан банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф. М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 20 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда «Банк — мижоз учун, мижоз банк учун эмас» тамойили асосида банк тизими тубдан ислоҳ қилинди ва либераллаштирилди.

Ҳозирги кунда республикада 30 га яқин банклар фаолият юритмоқда. Мижоз ўзи банк танлаш, пул маблағларини бир нечта банклардаги ҳисобварақларида сақлаш ва ўз маблағларини, қаерда жойлашганидан қатъи назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эгадир. Бугунга келиб мамлакатнинг барча минтақалари ва аҳоли пунктларида тижорат банкларининг 8 мингдан ортиқ филиаллари ва бўлинмалари мижозларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётганини айтиб ўтиш кифоя.

Агар Россия Федерацияси ва Қозоғистондаги банк муассасаларининг ҳар бирига 20 мингдан зиёд аҳоли тўғри келса, Ўзбекистонда — 5 минг киши, яъни ривожланган мамлакатлардагига деярли тенг (тахминан 4 минг киши) тўғри келади. Банкларнинг бундай кенг кўламли тармоғи мамлакатнинг бутун аҳолисини банк хизматлари билан тўлиқ таъминлаш, унинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар кўпроқ қондириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

Таълим:

## ИБРАТЛИ ТАЖРИБАЛАР НАМОЙИШИ



***Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Таълим ва мутахассислик" 3-халқаро кўргазмаси иш бошлади.***

Республика Савдо-саноат палатасининг "SSP-Expocontact" унитар корхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу кўргазмада пойтахтимиздаги 100 дан зиёд ўқув муассасалари, шунингдек, хориж университетлари ўзларининг ўқув услубий дастурлари, қўлланмалари ва энг сўнгги ютуқлари акс этган кўргазмали чиқишлари билан қатнашмоқда.

— Бу йил университетимиз ушбу намойишда иккинчи бор иштирок этаяпти, — дейди Тошкент давлат аграр университети ректори Ҳожимурод Кимсанбоев. — Кўргазмада қатнашишдан мақсад, энг аввало, ўқув даргоҳимиз фаолияти, ундаги янгилик ва ўзгаришлар хусусида талабгорларга маълумот беришдир. Айни пайтда ўзимиз ҳам бошқа таълим муассасалари эришган ютуқлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқдамиз.

**Кўргазма**

Кўргазма павильонларида хориждаги қатор олий таълим муассасалари, хусусан, Москва, Тюмень, Астрахань давлат университетлари, Болтиқбўйи давлатлари Халқаро академияси сингари таълим даргоҳлари ҳам қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Сажжад Камрон:

## Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас қилса арзийдиган муносиб тарихий йўлни босиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси жаҳоннинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, илмий, эксперт доираларида, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Ўзбекистондаги хорижий дипломатия ваколатхоналари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур маърузада 2007 йилда давлат ҳаётининг барча соҳаларидаги ривожланиш суръатлари ва эришилган иқтисодий кўрсаткичларга батафсил баҳо берилгани, шунингдек, мамлакатнинг 2008 йил ҳамда яқин истиқболдаги аниқ ва кенг кўламли вазифаларининг белгилаб берилганига асосий эътибор қаратилмоқда.

**Хусусан, Кувайт давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Одил Муҳаммад Ҳаёт**нинг таъкидлашича, «иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари, хорижий сармояларнинг кенг жалб этилаётгани, ўзбек халқи турмуши даражасини юксалтириш борасида салмоқли ютуқларга эришилгани – булар барчаси Ўзбекистон Президенти юритаётган пухта ўйланган ва оқилона сиёсат маҳсули бўлиб, давлат тараққиётининг «ўзбек модели» нечоғлик асосли эканидан далолат беради.

Ислом дунёсида Ўзбекистондаги таълим тизимига бўлган қизиқиш нафақат бу ерда кўплаб ўқув муассасалари барпо этилгани ва қайта тиклангани, балки ушбу соҳага замонавий ўқитиш услублари кенг жорий этилаётгани, ўқув мажмуаларининг жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланаётгани билан ҳам изоҳланади. Бу даргоҳларда таҳсил олаётган ёшлар мутахассислик ва малакага эга бўлади ҳамда ўқишни тамомлагач, келажакда мамлакатнинг янада жадал ва муваффақиятли ривожига ўз ҳиссаларини қўшади.

**Эътироф**

**Покистоннинг юртимиздаги элчиси Сажжад Камрон**нинг фикрича, Ўзбекистон Президенти маърузасини давлатнинг яқин йиллардаги иқтисодий тараққиёти стратегияси дея таърифлаш мумкин. Республикада 2007 йил якунларига кўра 9,5 фоизни ташкил этган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг юқори кўрсаткичлари ривожланаётган мамлакатлар учун ўзига хос мезон бўла олади. «Дарҳақиқат, Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас қилса арзийдиган муносиб тарихий йўлни босиб ўтди. Ялпи ички маҳсулотда хусусий сектор улушининг 85 фоизга етгани мамлакат иқтисодиёти тез суръатларда ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Тадбиркорлар ва хусусий шахсларга ажратилаётган микрокредитлар ҳажмининг тобора ўсиб бораётгани муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатда иқтисодиёт етакчиси бўлмиш ишбилармонларнинг қудратли доирасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорининг 1,5 баробар оширилгани Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган самарали ижтимоий сиёсатнинг тасдиғидир», — деди Покистон элчиси.

**«Япония Либерал-демократик партияси — Ўзбекистон» парламент дўстлик лигаси раиси, Япония парламенти депутати Таро Асо** қуйидаги фикрларни баён этди: «Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори кўрсаткичларига эришилгани ва мамлакатнинг босқичма-босқич ижтимоий-иқтисодий ривожи Президент Ислом Каримов танлаган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўли тўғри эканини исботлайди.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президентининг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун шу йил 24-26 февраль кунлари Корея Республикасида бўлади.

Жанубий Корея раҳбарияти билан учрашувларда икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболига доир, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***



Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақдим этган кун тартибини тасдиқладилар.

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2007 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Мазкур масала юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий тафтиш комиссиясининг раиси Ю. Нишонов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби А. Турсунов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Л. Ғуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Х. Дўстмуҳамедов сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш чоғида депутатлар «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг кучга кириши муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2007 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

«Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А. Тўхтабоев тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар тегишли қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишнинг муҳимлигини таъкидладилар ҳамда ушбу Қонунни қабул қилиш учун овоз бердилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат барча сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг иштирокида моддама-модда муҳокама қилинди. Қонунчилик палатаси баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол ва истиқбол

## СОҒЛОМ МИЛЛАТ

### буюк келажак қуришга қодир

***Мустақил ривожланишимиз даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қилинган ўзгаришлар, олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бажарилаётган барча саъй-ҳаракатлар Ватанимизнинг ободлиги ва халқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланишига, инсон манфаатларига қаратилганлигини яққол ҳис этамиз.***

Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва ғоялари асосида, Ўзбекистоннинг тиббий хизмат кўрсатиш тизимида бошланган ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳам миллат саломатлигини тубдан яхшилаш, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишидек улуғвор мақсадларга йўналтирилган. Бу масалага давлатимиз раҳбари 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, 1998 йилда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Унга биноан, мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, бу борада принципиал янгича ёндашувлар юзага келди.

Давлат дастури бўйича кенг кўламда амалга оширилган ишлар натижасида, соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинига, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3100 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари вужудга келди. Уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари меҳнат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ислоҳот жараёнида мамлакатда, энг аввало, аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим бунёд этилди.

Ҳозир Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда вилоятларда 12 филиали, туман ва шаҳарларда 173 та бўлими ишлаяпти. Бундан ташқари, халқимиз соғлиғини муҳофаза қилишни сифат жиҳатдан яхшилашда юртимизда ташкил этилган тўртта ихтисослаштирилган тиббий марказлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу борада, бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди. Соҳа мутахассисларининг иш ҳақи миқдорлари ишнинг мураккаблиги ва оғирлиги даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам

(Давоми 2-бетда).

## Хорижий инвестициялар иштирокида

Бир рақам шарҳи

**2007** йилда мамлакатимизда **700** дан зиёд янги корхона барпо этилди.

*Юксак технологияларга асосланган ана шу қўшма корхоналар енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилгани диққатга сазовордир.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгги йиллардагина тижорат банклари томонидан бозор фоиз ставкалари билан 200 дан ортиқ жозибали депозит турлари татбиқ этилди, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими ривожланиб бормоқда, натижада 2000 йилдан бошлаб аҳолининг тижорат банкларидаги маблағлари 55 баробар ўсди ва 1 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда, омонатлар сақланиши, банк сири, мижозларнинг биринчи талабидаёқ уларнинг ҳисобварақларидан маблағлар ҳеч қандай тўсиқсиз берилишини таъминлаш кафолатланган, Аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилган.

Шу билан бирга, айрим инсонларда банк тизимига нисбатан ишончсизликдан иборат сийқа муносабатлар ҳамон сақланиб қолмоқда, пулни банклардан ташқарида сақлаш одати чуқур илдиз отган. Бундай психологик стереотип давлатнинг фақат битта монополист-банки бўлган, пулларни олиш ҳар доим ҳам қулай бўлавермаган, кўпинча банкларнинг ўзида маблағ бўлмаган аввалги тизим шароитларида юзага келган. Оқибатда аҳолида пулларни жамғарма кассаларда сақлашга ишончсизлик туғилган ҳамда аксарият пул жамғармалари уйда сақланган.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва пул маблағларини хуфёна иқтисодиётдан реал секторга жалб этиш мақсадида бир қатор мамлакатларда капитални легаллаштириш амалга оширилди. Хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Швейцария каби мамлакатларда капитални амнистия қилиш бўйича бир марталик тадбирлар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва аҳолининг бўш пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишга қаратилган.

Мазкур йўналишда кўп ишлар амалга оширилди, замонавий қонунчилик-ҳуқуқий база яратилди, амалдаги қонун ҳужжатларининг тегишли тартиб-қоидалари тасдиқланди, бироқ улар замон талабларига ҳали тўлиқ жавоб бераётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармонга мувофиқ 2008 йил 1 апрель — 2009 йил 1 апрель оралиғидаги даврда истаган киши банкда ўз депозит ҳисобварағини очиши, унга миллий ва хорижий валютадаги чекланмаган миқдорда ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда исталганча пул маблағларини қўйиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, омонатчи ҳам шахсий ҳисобварағига, ҳам тақдим этувчининг ҳисобварағига, яъни аноним тарзда маблағ қўйиши мумкин, маблағларнинг ўзи эса нақд пул шаклида ҳам, омонатчиларнинг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан пул ўтказиш йўли билан ҳам қўйилиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, нафақат қўйиладиган маблағларнинг келиб чиқиш манбалари тўғрисида декларация ва ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди, балки уларни сўраб олиш қатъиян тақиқлаб қўйилди. Бундай сўровлар банклардан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа назорат органларига ҳам ман этилди. Боз устига, пул қўювчидан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа ахборотларни ҳар қандай тарзда талаб қилиш ноқонуний ҳисобланади, бу эса банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя этилишини таъминлайди.

Фармоннинг яна бир муҳим банди шундаки, жисмоний шахслар томонидан қўйилган пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрели — 2009 йилнинг 1 апрели оралиғидаги даврда солиқ органлари томонидан текширилмайди — чунки улар барча турдаги солиқлардан ва мажбурий тўловлардан озод этилган.

Фармонда банк сирига риоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, уни ошкор этгани учун мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллаш масалаларига катта эътибор берилган.

Қабул қилинган Фармоннинг амалга оширилиши банклар билан аҳоли ўртасида ишончли шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, тижорат банклари омонатларига миллий ва хорижий валютадаги бўш пул маблағлари тушишини сезиларли миқдорда ошириш, мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини изчил равишда ошириш учун улардан инвестиция ресурслари сифатида фойдаланиш имконини беради.



# СОҒЛОМ МИЛЛАТ

## буюк келажак қуришга қодир

(Давоми. Боши 1-бетда).

сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил этилди. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдори 2,2 бараварга кўпайди.

Айни пайтда, республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шаклланиб бормоқда. Бунинг моҳияти шундаки, тиббий хизмат соҳасида хусусий секторнинг пайдо бўлиши тизимда соғлом рақобатни кучайтиришга, тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш мақсадларига хизмат қилади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда 1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ҳам принципиал даражада ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистонда олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилди. Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамширалар тайёрланаётганлиги муҳим янгилик ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тиббий хизмат сифатининг тубдан яхшиланиши қувонарли амалий натижаларни ҳам бермоқда. Бунинг айрим муҳим далилларини келтириб ўтайлик. Масалан, 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди.

Шу билан бирга, ишимизга холисона танқидий назар ташлаб айтадиган бўлсам, соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш соҳаларида ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам етарли.

Худди шу маънода, Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги имзолаган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 700-сонли Қарори мамлакатимиз тиббиётини ривожлантиришда янги, янада юқори босқични бошлаб берадиган стратегик аҳамиятли ҳужжат бўлди. Унда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ асосий вазифалар белгилаб берилди.

Президентимизнинг Фармони ва Қарорида белгиланган устувор аҳамиятли вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирларидан бири шуки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида янги бошқарма — Лицензиялаш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилди. Ушбу бошқарма хусусий тиббиёт муассасаларига меъёрий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш фаолияти билан шуғулланади.

Шунингдек, вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдами Бош бошқармаси таркибида Диагностика ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишни мувофиқлаштириш бўлими ҳам вужудга келди. Бу бўлим аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда ягона ташхис қўйиш ва даволаш стандартларининг тиббий амалиётга татбиқ этилишини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Замонавий ташкилий тузилмада соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқарув органлари ҳамда республика, вилоят, туман (шаҳар) миқёсидаги тиббий муассасалар билан бўлган вертикал ўзаро боғлиқлик аниқ шакллантирилди. Ҳозирги ташкилий тузилмада яна икки муҳим янгилик мавжуд. Уларнинг бири — Соғлиқни сақлаш тизимида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил этилганлиги бўлса, иккинчиси — вилоятларда кўп тармоқли тиббий марказларнинг бунёдга келишидир.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари туман (шаҳар) миқёсида касалликлар профилактикасини олиб бориш, авваламбор, юқумли ва вирусли касалликлар профилактикаси, аҳолига бирламчи амбулатория-поликлиника хизматини кўрсатиш, беморларни стационар шароитда даволаш ҳамда қишлоқ врачлик пунктларига, оилавий поликлиникаларга, туман (шаҳар)даги бошқа тиббиёт муассасаларига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш вазифалари билан шуғулланади.

Вилоят кўп тармоқли тиббий марказлари эса, ўз навбатида, вилоят миқёсида беморларни текширувдан ўтказади, уларга юқори малакали тиббий-маслаҳат ёрдами кўрсатади, касалликларнинг асосий йўналишлари бўйича стационарларда даволашни ташкил этади. Шунингдек, мавжуд тиббиёт муассасалари фаолиятига диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари ва технологияларини татбиқ этишни услубий таъминлайди.

Президентимизнинг Фармони ва Қарорига биноан, юртимизда мавжуд 4 та ихтисослашган тиббий марказлар тажрибасидан келиб чиқиб, яна 6 та йўналишда янги илмий-амалий тиббий марказ ташкил этилмоқда. Булар — замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳиятига эга ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган Акушерлик ва гинекология, Педиатрия, Терапия ва тиббий реабилитация, Дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказларидир. Улар республикамизда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган илмий-текшириш институтлари негизида вужудга келтирилмоқда.

Янгидан ташкил этилаётган республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий марказлари, вилоятлардаги кўп тармоқли тиббий марказлар, шунингдек, вилоят болалар кўп тармоқли тиббий марказлари, тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида капитал таъмирлаш-реконструкция ишлари олиб борилади, улар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланади.

Умуман, Президентимиз Фармони ва Қарори талабларига биноан республикамиз миқёсида 1150 та шифохона, 5550 та амбулатория-поликлиника муассасаси, 212 та тез тиббий ёрдам станцияси, 173 та туман марказий шифохоналари, 245 та диспансер, 232 та санитария-эпидемиология назорат марказлари, 15 та ОИТСга қарши кураш маркази ва 19 та қон қуйиш станцияси инвентаризациядан ўтказилди. Таҳлил хулосаларига кўра, соғлиқни сақлаш объектларида таъмирлаш-қурилиш ва қайтадан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур лойиҳаси тайёрланаяпти.

Бу борада халқаро ҳамкорлик имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Масалан, бугунги кунда 96 та вилоят ва туман туғруқ муассасаси Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида мукаммал таъмирланиб, уларнинг барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. 2008-2009 йиллар давомида эса, ушбу лойиҳага биноан, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари туғруқ муассасаларида ҳам таъмирлаш-реконструкция ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Жанубий Кореядаги «Эксимбанк» ва Қувайт Араб иқтисодий ривожланиш фонди мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни эътироф этган ҳолда уни янада чуқурлаштириш мақсадида маблағ ажратди.

Шунингдек, Германия ва Япония давлатлари томонидан ҳам тиббий ислоҳотларимиз самимий қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Японияниг JICA агентлиги республикамиздаги ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказининг замонавий даволаш-диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши учун 3,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағи ажратди.

Тиббиётда ислоҳотни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири тиббиёт муассасаларини замонавий малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласидир. Ушбу вазифага Президентимизнинг юқоридаги Фармони ва Қарорида ҳам алоҳида эътибор қилинган.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 6 та олий таълим муассасаси ҳамда уларнинг вилоятлардаги учта филиалини ҳар йили 3 мингдан кўпроқ шифокорлик ва доришунослик йўналишларидаги мутахассис кадр битириб чиқмоқда. Вазирлигимиз томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган Узлуксиз тиббий таълим концепцияси қабул қилинган. Унда шифокорларнинг ҳар беш йилда 288 соатдан кам бўлмаган ҳажмда малака ошириш мажбурияти ҳам кўрсатиб ўтилган. Кейинги 3 йил мобайнида малака категорияларига эга шифокорларнинг улуши 42 фоиздан 57 фоизга кўтарилди. Врачларимиз малакасини оширишда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтларининг врачлар малакасини ошириш факультетлари фаол иш олиб бораяпти.

Сўнгги йилларда тиббиёт олий таълим муассасаларини битириб чиқаётган ёшлар қўшни давлатлардаги нуфузли тиббий марказларга ҳам малака ошириш учун жўнатилмоқда. Масалан, 2007 йилда мамлакатимизнинг турли вилоятларида оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш бўйича меҳнат қилаётган мутахассис шифокорлар Харьков, Новосибирск, Томск шаҳарларига ҳозирги илғор тиббий технологияларни янада чуқурроқ ўзлаштириб олиш учун сафарбар этилди.

Тиббиёт мутахассислари малакасини оширишга, чиндан ҳам, катта аҳамият берилиши лозим. Масалан, айрим вилоятларда тор ихтисосли шифокорлар етишмайди. Шу боисдан, олий таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси қарорига асосан, тиббиёт олий ўқув юртларига Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан шу йўналишда қўшимча талабалар қабул қилиш амалга оширилмоқда. Тор ихтисосликдаги шифокорларни тайёрлашнинг имкониятларидан бири клиник ординатурадир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки йилдан буён вилоят квоталари тамойилига амал қилган ҳолда, клиник ординатураларда бундай мутахассисларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўйди. Бу ўз самарасини бермоқда.

Вазирлик тасарруфида, шунингдек, 7 та йўналиш бўйича ўрта малакали тиббий мутахассисларни тайёрлайдиган 72 та тиббиёт коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 270 минг нафар тиббий ҳамшира меҳнат қилмоқда.

Вазирлигимиз Японияниг халқаро тараққиёт агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда 1-сонли республика тиббиёт коллежи манбаида «Ўзбекистон Республикасида ҳамширалик малакасини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа асосида йўлга қўйилган таълим тажрибаси 2009 йилда мамлакатимизнинг бошқа тиббиёт коллежлари фаолиятига ҳам жорий этилади. 54 та тиббиёт коллежи учун 2004-2005 йилларда JICA сармоялари ҳисобидан ўқув-амалиёт жиҳозлари олинди. 15 та коллежимиз Жаҳон банкининг «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида жиҳозланди.

Табиийки, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами анча кенг. Юз бераётган барча ўзгаришлар, ислоҳот самараларини бир суҳбат ҳажмида қамраб олиш мушкул. Шундай бўлса-да, яна битта масала хусусида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан. Мен бу ўринда фармацевтика соҳасини назарда тутаяпман.

Юртимиз раҳбари томонидан фармацевтика соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор, шак-шубҳасиз, соҳа амалиётининг илдам қадамлар билан ривожланишини таъминламоқда. Бу йўналишда Президентимиз 2007 йилнинг 19 ноябрида имзолаган «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарор алоҳида аҳамиятлидир

Шуни таъкидлашимиз керакки, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг 32 номдагиси республикамиз олимлари томонидан яратилган. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий ўсимлик хом ашёларидан олинган дори воситаларидир. Бугун юртимизда 100 дан ортиқ дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхона муваффақиятли фаолият олиб бормоқда

Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва айни пайтда, «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда тиббиётнинг юксак халқаро андозаларда ривожланиши учун улкан имконият яратади. Модомики шундай экан, бундан кейин ҳам соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар инсон учун, унинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини янада оширишга қаратилаверади.

**Феруз НАЗИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов тақдим этди. Муҳокама чоғида билдирилган барча таклифларни эшитиб ва муҳокама қилиб, депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулладилар ҳамда масъул қўмитага уни учинчи ўқишда муҳокамага киритиш учун маромига етказишни топширдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов «Одамлар савдосига қаршилик кўрсатиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларига тажовуз қилишнинг бундай турининг олдини олишга доир ишончли ҳуқуқий база яратиш муҳимлигини таъкидладилар ва унинг айрим нормаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритдилар. Билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Тешаев «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ҳужжатнинг қоидаларини маъқуллаб, Қонунни қабул қилдилар.

Депутатлар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси А. Каримов томонидан тақдим этилган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

**(ЎзА).**

Таълим:

# ИБРАТЛИ ТАЖРИБАЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мен мазкур ўқув юртининг магистратура босқичини тамомладим, — дейди кўргазмада академиянинг юртимиздаги вакили сифатида қатнашаётган Даврон Мирзаев. — Ўқув даргоҳи ўн беш йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Академияда халқаро бизнес асослари, компьютер дизайни, таржимонлик каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. У ерда ҳозир 500 нафардан зиёд чет эллик талабалар қатори ўзбекистонлик ёшлар ҳам таълим олишмоқда. Аввалги кўргазма орқали юртимиздаги кўплаб ёшлар бу таълим муассасаси ҳақида батафсил маълумот олишганди. Бугун улар орасида академия талабаси бўлганлар ҳам бор. Айни кўргазма иштирокчилари орасида ҳам академия фаолияти, унинг асосий йўналишлари, тартиб-қоидалари билан қизиқаётган ёшлар кўп.

Кўргазмалар залининг иккинчи қаватига кўтарилар эканмиз, бу ерда ўнлаб коллеж ва лицейларнинг иш услуби, таълим йўналишлари ва кўргазмали қуроллари акс этган стендлар эътиборимизни тортди. Павильонлар оралаб юрарканмиз, бурчакдаги бежирим ошхона жиҳозлари бизда қизиқиш уйғотди. Суриштирсак, бу жиҳозлар Ҳамза тумани қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари қўли билан ясалган экан. Коллежнинг бош устаси Феруза Норқўзиева таълим масканидаги ўзига хосликлар хусусида шундай дейди:

— Ўқувчиларимиз қўли гул уста-педагоглар қўлида таълим олишади. Коллежимизда қурилиш-пардозлаш ишлари, газ таъминоти тизими ва ускуналарини монтаж қилиш ва таъмирлаш, авточилангарлик, тикувчилик сингари йўналишлар мавжуд. Ўқувчиларнинг амалиёт жараёнига қизиқишини кучайтириш мақсадида қатор корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузганмиз. Касб-ҳунар ўрганаётган бўлажак мутахассислар тегишли ташкилотлардаги тажрибали ишчи ва ҳунармандларнинг иш услуби билан бевосита танишиш, уларга шогирд тушиш имконига эга.





Бир сўз билан айтганда, кўргазма экспозициясини таълимдаги ислоҳотлар самарасининг яққол намойиши дейиш мумкин. Зеро, тадбирда иштирок этаётган ҳар бир ўқув муассасаси ўзининг янгича иш услуби, ютуқ ва муваффақиятлари билан эътибор қозонмоқда, ўз бағрига бўлажак иқтидорли мутахассисларни чорламоқда. Шу боис ҳам кўпчиликнинг талаби инобатга олинган ҳолда кўргазма доирасида 23-25 февраль кунлари пойтахтимиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун махсус тадбирлар уюштирилиши кўзда тутилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

## Янгиликлар

*«Учқўрғон дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган ун темир моддаси, фолий кислотаси ва бошқа микроэлементлар билан тўйинтирилган ҳолда савдога чиқарилмоқда.*

### Бойитилган ун – кони фойда

Бу юмуш корхонада ўрнатилган махсус ускуна ёрдамида амалга оширилиб, маҳсулот ёрлиғига алоҳида белги қўйилади.

Донни қайта ишловчилар қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишди. Натижада январь ойининг ўзида 4630 тонна ун тайёрланди. Унинг 91 фоизи аҳоли саломатлигини мустаҳкамловчи бойитилган ундир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Сиёб саховати»да 50 та иш ўрни

*Тайлоқ туманида «Сиёб саховати» фермер хўжалиги фаолият кўрсата бошлади. Унинг ташкилотчилари ўз маблағлари ҳисобидан 965 минг АҚШ доллари сарф этишди.*

Бугун эса фермер хўжалигида ишлаб чиқариш жадал суръатларда давом этаяпти. Бу ерда бир кеча-кундузда 50 минг квадрат метр миқдорида муҳим қурилиш хом ашёси — гипскартон тайёрланаяпти. Асосийси, 50 нафар маҳаллий ишчи доимий фойдали меҳнатга жалб этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Жосус сунъий йўлдош йўқ қилинди



***Кеча самода ҳаракатланаётган АҚШ жосус сунъий йўлдоши "SM-3" қирувчи-ракетаси ёрдамида йўқ қилинди.***

Пентагон раҳбарияти бу ҳақда расмий хабар тарқатди. Сунъий йўлдош ердан 247 километр баландликда портлатиб юборилган. Унинг илк бўлаклари 24-48 соат ичида ерга тушиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, жосус сунъий йўлдош ишдан чиққанлиги сабабли АҚШ ҳукумати ўтган ҳафта уни йўқ қилишга қарор қилганди.

## 18 йиллик қидирув

Италия жанубидаги Калабрия шаҳарчасида гиёҳвандлик моддаларини етказиб бериш билан шуғулланувчи йирик жиноий гуруҳ раҳбари қўлга олинди.

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлигининг Италия Ички ишлар вазирлиги маълумотига таяниб хабар қилишича, жиноий гуруҳ раҳбари Паскуал Конделло 1990 йилдан буён қидирувда эди. Уни қўлга олиш чоғида юздан ортиқ полиция ходими қатнашди.



## Бемор ҳушига келди

**Шарқий Тимор мамлакати президенти Жозе Рамуш-Орта Австралиядаги шифохоналардан бирида ҳушига келди.**

**Бу ҳақда Дарвин қироллик касалхонаси бош директори доктор Лен Нотарас маълум қилди. Докторнинг сўзларига кўра, 11 февраль куни президент суиқасд натижасида яраланганди. Кетма-кет ўтказилган бешта жарроҳлик операциясида у кома ҳолатига тушиб қолганди.**

## Экологик тоза автоулов

***Март ойида "Fiat" концерни экологик тоза — "Fiat 500 Aria" автомашинасини кенг жамоатчиликка тақдим этади.***

Автоуловга "Multijet" номли 1,3 литр дизель сарфланадиган двигатель ўрнатилган. Бундан ташқари, машинада ёқилғини кам сарфлайдиган қурилма ҳам мавжуд.

"Fiat 500 Aria" Женевадаги автомашиналар кўргазмасида намойиш этилади.

## Айбловлар олиб ташланди



***Сеул шаҳрининг собиқ мэри Ли Мен Бакка нисбатан фирибгарлик бўйича қўйилаётган айбловлар олиб ташланди.***

У Сеул марказидаги ер участкаларини ноқонуний равишда сотиб олганликда айбланаётганди. Узоқ вақт олиб борилган текширувлардан сўнг Ли Мен Бак беайб, деб топилди. Собиқ мэр яқинда мамлакат президентлигига ўтказилган сайловда ғалаба қозонганди.

"Франс пресс" тарқатган хабарга кўра, Ли Мен Бак шу йил 25 февралдан президентлик лавозимида иш бошлаши лозим.

## Номзодини қўймоқчи

***Франция президенти Николя Саркозининг фарзанди Жан маҳаллий кенгаш депутатлигига номзодини қўйиш истаги борлигини билдирди.***

Юридик факультетда таҳсил олаётган 21 ёшли талаба ўз номзодини "Халқ ҳаракати кенгаши" партиясидан қўяди. Кичик Саркози сиёсий шарҳловчилар назарига бундан бир неча ҳафта аввал тушганди.



Францияда маҳаллий кенгашга сайловлар март ойида ўтказилиши режалаштирилган.

## Зилзила келтирган зарар

***Греция жанубида яна кучли ер силкиниши содир бўлди.***



Бу хабарни АҚШ геология кузатув маркази ходимлари маълум қилдилар. Ер қимирлаши Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллни ташкил этган.

Бу табиий офатдан Мессиния, Аркадия ва Лакония шаҳарлари зарар кўрди. Ҳозирча талафотлар ва қурбонлар ҳақида аниқ маълумот берилмаяпти.

Бундан бир ҳафта аввал ушбу ҳудудда ер силкиниши ҳодисаси кузатилган, у Рихтер шкаласи бўйича 6,5 балл бўлганди.

## Раҳбарликни хоҳламаяпти



**Беназир Бхуттонинг турмуш ўртоғи Асиф Али Зардорий 18 февраль куни ўтказилган парламент сайловларида ғалаба қозонган эди. Шунга қарамай у мамлакат бош вазири лавозимига ўтириш нияти йўқ эканлигини билдирди.**

**Покистон халқ партияси (ПХП) мухолиф ҳукумат раҳбарлигига бошқа кишининг номзодини қўймоқчи. Кузатувчиларнинг фикрича, ПХП яқин вақт ичида бошқа бир партия билан ҳамкорлик ўрнатиши мумкин.**

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

Сажжад Камрон:

# Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас қилса арзийдиган муносиб тарихий йўлни босиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон раҳбари хориж сармояларини кенг жалб этиб, юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратилган оқилона ва узоқни кўра оладиган сиёсатни олиб бормоқда».

**Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ этиш институти ижрочи директори Тецужи Танака** юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга юксак баҳо бериб, 2007 йилда қўлга киритилган иқтисодий кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиш йўлидан қатъий одимлаётганини тасдиқлайди, дея қайд этди.

Т. Танака қишлоқ хўжалиги соҳасида хусусий фермер хўжаликлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони янада кўпайганига эътибор қаратди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда солиқларга оид янги қонун жорий этилгани, кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун солиқ юкининг камайтирилаётгани мамлакатда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажми ўсишини сезиларли даражада тезлаштиради ва экспортдан олинадиган даромадлар миқдорини оширади.

**Нидерландиянинг «Клингендайл» халқаро институти эксперт-таҳлилчиси Фредерик Ван Бовен**нинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси давлат раҳбарининг мамлакатни янада гуллаб-яшнаши ва ўзбек халқининг порлоқ келажагини таъминлашга бўлган кучли иродаси ва юксак интилишини намойиш этди. Маърузада ушбу мақсадларга эришиш йўллари устувор вазифалар шаклида ифода этилиб, аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Ўзбекистон эришган тараққиётнинг юксак макроиқтисодий кўрсаткичлари мамлакат раҳбарияти юритаётган иқтисодий сиёсатнинг муваффақиятидан далолат беради».

**Германиянинг «Берлин-Бранденбург» иқтисодий консуллар бирлашмаси раиси Инго Бетс** Ислом Каримов маърузасида баён этилган ҳамда мамлакатнинг барқарор ва изчил ривожланиб бораётганини тасдиқловчи иқтисодий кўрсаткичларни алоҳида кўрсатиб ўтди. Шунингдек, у юртимиз раҳбариятининг хориж сармояларини жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қутлади. И. Бетснинг қайд этишича, кўплаб Германия компаниялари, жумладан, логистика ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги корхоналар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳаларда иштирок этишга ва ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдираяпти.

Мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюрган ва миллий таълим лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этган **Шарқий Европа ва МДҲда таълим масалалари бўйича консалтинг компаниясининг эксперти доктор Кристиан Тайхман (Германия)** Ўзбекистон раҳбариятининг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларини юқори баҳолаб, айни пайтда республикада ёшлар масаласига катта эътибор қаратилаётганига ҳамда 2008 йил мамлакатда «Ёшлар йили» деб эълон қилингани ҳам бунинг тасдиғи эканига урғу берди.

**Франциянинг Хавфсизлик масалалари бўйича жамоат гуруҳи раҳбари, профессор Фабрис Долежал**нинг фикрича, «Ўзбекистон ўз олдига қўйган ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган мақсадлари сари дадил илгарилаб бормоқда. Саноатнинг барча тармоқларидаги ўсиш суръатлари кишини ҳайратга солмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистонда турли соҳаларнинг ислоҳ этилиши ҳамда жамиятни янада демократлаштириш босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётгани жуда муҳим омилдир. Мамлакатда мустақиллик йилларида эришилган тараққиёт буни исботлаб турибди».

**Россиянинг Сиёсий конъюктуралар маркази эксперти Евгений Войко** экспорт салоҳиятининг юксалиши (40,7 фоиз) ҳисобига барқарор тўлов баланси ҳамда мамлакат олтин-валюта захирасининг ўсиши таъминланганини таъкидлади. У Президент Ислом Каримов маърузасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга катта аҳамият берилганига эътибор қаратди. Экспертнинг сўзларига кўра, бу жуда долзарб вазифадир. Зеро, Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки бутун МДҲ маконида муҳим ўринга эга давлатлар сирасига киради. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳаларини қамраб олган ушбу маърузада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилгани аҳамиятга моликдир.

**Қирғизистонлик академик Р. Раҳмоналиевнинг** таъкидлашича, «Президент Ислом Каримов нутқи ислоҳотларда муваффақиятни иқтисодий ўзгаришларни ижтимоий-гуманитар соҳани такомиллаштириб, моҳирона уйғунлаштириш орқалигина қўлга киритиш мумкинлигини яна бир бор намойиш этди. Бу ишларнинг пировард мақсади мамлакатдаги барча фуқароларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш, мустақил фикрлайдиган, янгилик сари етакловчи билимлар ва қатъий эътиқодга эга ёшларни тарбиялашдан иборат.

Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий ютуқлари мамлакатда замон талабларига тўла жавоб берувчи таълим тизимини яратиш йўлидаги кўп йиллик саъй-ҳаракатлар маҳсулидир.

Маърузада республика олдида турган ва жорий йилда ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифалар ўрин олган. Давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада такомиллаштириш борасида таклиф этилаётган воситалар пухта ўйлангани, тушунарли экани ва аниқ бир мақсадга йўналтирилгани билан ажралиб туради.

**Португалия ташқи ишлар вазирлигининг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Департаменти бўлим бошлиғи А. Доурадо** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасига баҳо берар экан, қуйидаги фикрни билдирди: «2007 йилдаги тизимли бозор ислоҳотлари натижалари Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар, жумладан, мамлакат саноатига хориж сармоясини жалб этиш учун қулай муҳит яратиб бергани, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш билан боғлиқ самарали сиёсат олиб боргани самараси бўлди».

Шу муносабат билан, А. Доурадо Ўзбекистонда эришилган иқтисодий кўрсаткичлар республика иқтисодиётининг нафақат 2008 йил, балки келгуси йиллардаги муваффақиятли ривожига мустаҳкам замин яратишини айтиб ўтди. «Бугунги кунда Европа давлатлари Ўзбекистондаги каби юқори ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларини намойиш эта олмайди. Португалия эса мамлакат иқтисодиёти даражасининг бундай тезкорлик билан юксалиб бораётганига фақатгина ҳавас билан қарайди», дея таъкидлади у.

**«Жаҳон» АА.**

---

***Бекобод шаҳридаги "Бекободшифер" масъулияти чекланган жамияти жамоаси мамлакатимиз бунёдкорларига юқори сифатли томёпқич материаллари етказиб бермоқда.***

***— Маҳсулот сифати хом ашёга боғлиқ, — дейди жамият бош муҳандиси Мурод Ашрапов. – Шунинг учун бунга доимо жиддий ёндашамиз. Шифер ишлаб чиқариш учун керак бўладиган асосий хом ашёлар – цемент ва азбец. Уларнинг бир неча нави, тури бор. Биз шифер учун энг маъқулидан фойдаланамиз. Шу боис корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотга эътироз бўлгани йўқ, аксинча, талаб кўпаймоқда.***



# «Бекободшифер»: СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

**Изланиш**

Дарҳақиқат, бугун ички бозорда корхона маҳсулотлари анча харидоргир. Чунки бу ерда мамлакатимиздаги ягона андоза бўйича 8 тўлқинли шифер ишлаб чиқарилади. Сифати олий. 6 миллиметр қалинликдаги бу томёпқичлар 160-165 килограмм юкни ушлай олади. Бундай рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланишида соҳада тўпланган бой тажриба асқотаяпти, албатта.

Корхонада 2007 йил давомида салкам 2 миллион дона шифер ишлаб чиқарилиб, 1 миллиард 602,4 миллион сўм соф фойда олинди. Жамият директори Баҳром Охуновнинг айтишича, бу маблағнинг асосий қисми корхонани техник ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтирилади. Бу бежиз эмас. Зотан, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб, иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас.

Ҳозир корхонада технологик янгилаш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган. Белгиланган режага кўра, мустақиллик байрамигача ишлаб чиқариш тўхтамаган ҳолда, мавжуд цехлар капитал таъмирланади. Шакл бериш агрегатлари ўрнига замонавийлари ўрнатилади. Бу ускуналар 360 минг АҚШ доллари эвазига Беларусь Республикасидан келтирилаяпти. Уларнинг қувватидан шу йилнинг биринчи ярмидан бошлаб тўла фойдаланилади. Бундан ташқари, завод ҳудудида кенг ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари ҳам бажарилади. Ана шунда корхона бутунлай янги қиёфа касб этиб, ишлаб чиқариш қуввати анча ошади. Шу боис жорий йил охиригача 3 миллион донага яқин шифер ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.



**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА**: жамият ҳаётидан лавҳалар.

**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

---


**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ**
**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I. РКМБ Қорақалпоғистон филиали аукцион савдосига Хўжайли тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 8 октябрдаги 23-0706/10578-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Эльдор Сардор» фирмасига қарашли, Хўжайли тумани, Н. Кўра кўчасида жойлашган, умумий майдони 708 кв.м. бўлган дўкон биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг Миллий банк Қорақалпоғистон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00582, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000100571452055. Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратов кўчаси 117-«Б» уй. Телефонлар: 226-84-44, 770-65-90.

**II. РКМБ Бухоро вилояти филиали аукцион савдосига такроран «Намунасавдо» СИЧКнинг суд бошқарувчиси томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 майдаги 20-0709/1958-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларининг 2008 йил 18 февралдаги 4-сонли йиғилиши қарорига асосан, «Намунасавдо» СИЧКнинг Бухоро вилояти Қоракўл туманида жойлашган мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 240 456 348 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 6 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мулкий мажмуа қуйидаги қўшимча шартлар асосида аукцион савдоси орқали сотилади:

- *мулкий мажмуадаги мол-мулкларни талон-торож қилинмасдан, аксинча, реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш йўналишини сақлаб қолган ҳолда замон талабларига мос равишда ривожлантириш;*
- *мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш;*
- *корхонани технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоя киритиш;*
- *сотиб олинган мулк учун тўловларни бир ой муддат ичида амалга ошириш.*

Аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Бухоро вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» «Сардор» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00119, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000900571452052.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 223-71-30, 223-71-36. www.rkmb.uz**


---

# ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ

***"Туризм: ёшларнинг янги ташаббуслари" мавзуида бўлиб ўтган халқаро учрашувда ёш авлодни иқтисодиётимизнинг истиқболли жабҳаларидан бири бўлган туризм соҳасига янада кенг жалб қилиш имкониятлари муҳокама этилди.***

**Тадбир**

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва унинг ҳузуридаги "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан Ёшлар йили вазифаларини бажариш доирасида ташкил этилди. Учрашувда мамлакатимиздаги йирик туризм компаниялари раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Россия, Франция ва Японияддан туризм бўйича мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизнинг туризм тармоғини ривожлантириш катта аҳамиятга эга экани ва бу жараёнда ёшларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Бугун дунёда юртимизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Бу нафақат улкан маданий ва тарихий меросимиз, ноёб табиатимиз, балки истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаётнинг барча жабҳаларида катта муваффақиятларга эришгани билан ҳам боғлиқдир. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳудудида 4 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Давлатимиз раҳбарининг миллий қадриятларни қайта тиклаш борасидаги доимий ғамхўрлиги туфайли сўнгги йилларда кўплаб ёдгорликлар обдон таъмирланди, санъат ва халқ ижодиётининг анъанавий турларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароит яратилди.

Республикамизда туризм соҳаси ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш ушбу соҳа имкониятларини кенгайтириш ва унинг миллий иқтисодиётимизга қўшадиган ҳиссасини ошириш имконини беради. Бугунги кунда мамлакатимиз туризм соҳаси янги иш ўринларини ташкил этишда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, ушбу йўналишда кўплаб кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилдан буён ушбу соҳада хизмат кўрсатиш ҳажми 10 бараварга ошди. Нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз ҳудудларида ҳам халқаро тоифадаги ўнлаб меҳмонхоналар барпо этилди, янги авиа, темир йўл ва автомобиль йўналишлари очилди, сервис ва хизмат кўрсатиш сифати ошди.

Ёшларнинг туризм соҳасидаги иштирокини кенгайтириш ушбу тармоқни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, уларни хизмат кўрсатишга жалб қилиш ҳисобидан ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, ёшлар, жумладан, талабаларнинг иш билан бандлик даражаси ва даромадини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, қадимий тарихимиз ва маданиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ёшлар учун мўлжалланган махсус туризм йўналишларини ишлаб чиқиш чет элда ўзбек халқининг бой маданий меросини кенг тарғиб этишга хизмат қилади. Учрашувда "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси З. Ҳакимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А. Муҳиддинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Ш. Сафаров, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси реклама-ахборот агентлиги директори Р. Кузьмина ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Ўтган йилнинг декабрида "Келажак-тур" халқаро ёшлар туризм бюросининг ташкил этилиши туризм саноати соҳасида амалга оширилган ёшлар ташаббусларидан бири бўлди. Учрашувда ушбу бюронинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистонда тарихий, экологик, спорт ва туризмнинг бошқа турларини мамлакат миқёсида ва халқаро даражада ривожлантиришга кўмаклашиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш, кенг жамоатчилик эътиборини иқтисодиётимизнинг ушбу тармоғининг тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятларига қаратиш, ёшлар иштирокида аниқ мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш янги тузилма вазифалари сирасига киради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун республикамиз ҳудудлари, "Келажак овози" вилоят марказлари негизида ҳамда хорижда бюронинг бўлимлари ташкил этилади. Ёшлар қизиқишлари эътиборга олинган ҳолда, бир қатор янги сайёҳлик йўналишлари, жумладан, "Сўғдиёна", "Келажак-Тур", "Тур-Мароқанд" йўналишлари ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган мақсад сайёҳларнинг ноёб тарихий ёдгорликлар ва жойларни бориб кўришдан ташқари жамғарманинг турли тадбирлари — Ўзбекистоннинг серқирра анъанавий ва замонавий санъати ҳамда маданиятини тарғиб қилувчи фольклор фестиваллари, халқ усталари ижодий кўргазмалари, Тошкент биенналелари, дизайн ва мода, кинематография ҳафталиклари ҳамда бошқа кенг кўламли тадбирларида иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Россия туризм саноати ассоциацияси президенти С. Шпилько, Москва тадбиркорлар ассоциацияси туризм қўмитаси раиси С. Саушкина, Франция транспорт ва туризм вазирлигининг халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Д. Аннете тадбир қатнашчиларини халқаро туризм алмашинувини ривожлантириш борасидаги ўз тажрибалари билан таништирдилар.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасида туризм алмашинуви йил сайин ривожланиб бормоқда, — деди Японияning "Pro Air Service" туризм агентлиги вице-президенти Тоши Касахара. — Халқларимиз маданияти ўртасида муштараклик бор, бизни азалдан Буюк Ипак йўли боғлаб туради. Шу боис, Японияда мамлакатингизга бўлган қизиқиш ниҳоятда катта. Ишончим комилки, Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш ташаббусларининг амалга оширилиши мамлакатларимизнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ

**_Кейинги икки йил ичида Шаҳрихонда бўлдингизми? Ана, шаҳар кўчалари замонавий усулда барпо этилган шинам, кўркам бинолардан гул-гул очилиб кетди. Хусусан, ўтган йили ўнта мактаб, ўттизта қишлоқ врачлик пункти ва бошқа объектлар мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Найнаво қишлоғида қад ростлаган ўттиздан ортиқ ҳашаматли турар жойларнинг айвонлари одамларнинг ҳавасини келтираётган бўлса, тадбиркор Одинахон Отах螺онованинг икки гектарлик иссиқхонасида кўклам нафаси уфуриб турибди._**

Бундан ташқари, умумий қиймати 769 миллион сўмлик умумтаълим мактаби, 2,7 миллиард сўмлик академик лицей ва иккита болалар спорт мажмуаси бинолари жадал тикланмоқда.

Бугунги кунда туманда 819 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ерга, меҳнатга бўлган муносабати ўзгаргани ҳам ўз самарасини бераётир. Чунончи, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, айниқса, чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантиришда туб бурилиш ясалди. Бир йил муқаддам собиқ ширкатларда фаолият кўрсатган боғбонлар 1285 гектарлик боғ ва токзорлардан 15851 тонна ҳосил олган бўлсалар, ўтган йилга келиб, мулкдорлар бу кўрсаткични 22 075 тоннага етказдилар.

Чорвачиликни ривожлантиришда, айтайлик, Аҳлиддин Зокиров бошлиқ «Аҳлиддин» фермер хўжалигининг ҳам муносиб улуши бор. Бу ерда қорамоллардан ташқари минг бош ўрдак, икки ярим мингта товуқ парваришланмоқда. Шаҳарликларга кунига икки юз литрдан зиёд серқаймоқ сут, 1700 дона тухум етказиб берилаяпти. Тез орада жамоа сутни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқчи.

— Аҳолининг талаб-эҳтиёжини ҳисобга олиб, жойларда яна учта паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этдик, — дейди туман ҳокими Фазлиддин Расулов. — Уларнинг бирида тухум берувчи товуқларни парваришлаяпмиз, иккинчисида зотдор товуқлардан парҳез гўшт етиштираяпмиз. Бундан ташқари, Улуғнор тумани ҳудудида учта балиқчилик хўжалигимиз ишлаб турибди. Жорий йилнинг кузига бориб, бозорларда балиқ савдоси ҳам йўлга қўйилади.

Туманда йилқичиликка ҳам қўл урилгани диққатга сазовор. Бир йил мобайнида отлар 399 бошга, паррандалар 234,6 мингтага, қўйлар 52423 бошга ортгани замирида астойдил қилинаётган меҳнат, тармоқни фойда келтирувчи манбалардан бирига айлантиришдек эзгу тадбир ётгани аён бўлади.

**Фахр**



Хўш, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда аҳвол қандай? Якунланган йилда гектар ҳисобига 61 центнердан дон, пахтачилик йўналишида 31 центнердан ошириб пахта ҳосили етиштирилди. Биргина пахтачиликнинг ўзида ҳосилдорлик беш центнерга кўпайди.

«Азизбек — 97» фермер хўжалиги ва унинг омилкор етакчиси Ноziржон Буваевни элга танитган, қўлини қаёққа узатса етадиган қилган нарса аслида янгиликка биринчилардан бўлиб қўл ургани бўлди. Илгари ака-укалар битта велосипедни навбатлашиб минган бўлсалар, ҳозир Нозиржоннинг бир ўзида иккита дон ўриш комбайни бор.

— Юртбошимиз «Фермер бой бўлса, юрт ҳам бой бўлади», деб такрор-такрор айтадилар, — дейди фермер Аҳмадали Усмонов. — Буни ўз фаолиятимизда яққол кўриб турибмиз. Биз, фермерлар қаддимизни тиклаган сайин аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳам юксалиб бормоқда. Жойларда янги-янги иш ўринлари яратилаяпти.

— Бугунги фермер ҳисоб-китобни пухта билиши, истиқболли режалар билан нафас олиши, ўзи билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётганларнинг қадрига етишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда, — дейди туман прокурори Муҳитдин Иминов. — Шу мақсадда яқинда фермерлар ўқуви ташкил этилди. Улар соҳадаги янгиликлар, илғорларнинг иш тажрибалари, меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан таништирилди. 1300 нафардан зиёд қишлоқ мулкдорининг агротехника, иқтисодиёт, ҳуқуқий йўналишлардаги билимлари бойитилгач, уларга машғулотлар сўнггида махсус сертификатлар топширилди.

Яна бир гап. Туманда фермерларнинг издошларини тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳрихон касб-ҳунар коллежида бўлажак фермерларнинг катта гуруҳи ўқимоқда. Бир кун келиб, улар ажойиб мутахассислар бўлиб етишадилар. Демак, Шаҳрихонда бошланган эзгулик ишлари давом этаверади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАР БИР КИШИ ЭЪЗОЗДА



**_Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ кучли ижтимоий сиёсат тамойили ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Натижада кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларига устуворлик берилиб, уларнинг ҳар бири ардоқланмоқда. Мухбиримизнинг Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Қодиров билан суҳбати шу хусусда._**

**— Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бугунги кунда бу тизимни янада такомиллаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, 2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан меҳр-муҳаббатга муҳтож кишиларга кўрсатилаётган ёрдам салмоғи кенгайди. Хусусан, бошқармамиз томонидан Ижтимоий ҳимоя дастури доирасида кам таъминланган оилаларга 4508 бош қорамол бепул берилди. Тижорат банклари орқали «Бандлик» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўп болали, кам таъминланган 812 нафар оилага эса қорамол сотиб олиш учун 683 миллион 327 минг сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан, Денов туманидаги «Мурувват» ҳамда «Фарҳод» аёллар ва болалар уйлари 130 миллион сўм маблағ ҳисобига тўлиқ таъмирланди. Мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тиббий ускуналар билан таъминлаш учун эса ҳомийлар томонидан 121 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, ўтган йили якка-ёлғиз пенсионерларни 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Уларга 99 миллион 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 75 нафар кишининг уй-жойи таъмирдан чиқарилди.

**Ижтимоий ҳимоя**

Дастур доирасида, шунингдек, 63 минг 624 нафардан ортиқ пенсионер ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар турли дам олиш масканлари, сиҳатгоҳлар ва шифохоналарда ўз соғлиқларини бепул тиклаб қайтдилар.

**— Ногиронларни техник реабилитация воситалари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Шу мақсадда 20 миллион сўм ҳомийлик маблағлари жалб қилиниб, уларга турли воситалар олиб берилди. Шу билан бирга, вазирлик ёрдамида 239 киши ногиронлик аравачаси, 2102 нафар киши қўлтиқтаёқ, 519 киши ҳасса ва эшитиш мосламалари билан таъминланди. Қизил ярим ой жамиятининг ҳамширалари ҳамда турли жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат гуруҳ аъзолари эса энг олис тоғ қишлоқлари, овулларда бўлиб, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш баробарида уларга турли хизмат кўрсатишди.

**— Аҳолининг бандлик даражасини ошириш юзасидан қандай ишлар қилинмоқда?**

— Одатда «ижтимоий ҳимоя» деганда, биз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кишилар, ногиронларга кўрсатиладиган ёрдамни тушунамиз. Ҳолбуки, иш ўринлари яратиш, ҳар бир фуқаронинг ўз қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кўмаклашиш ҳам ижтимоий ҳимоя саналади. Шу жиҳатдан олганда, 2007 йил давомида вилоят, шаҳар ва туманлар меҳнат органларига 30695 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этди. Бу кўрсаткич 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 134,8 фоиз кўп эди. Аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг 28220 нафари иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. 75 марта ўтказилган ярмаркада 2179 та корхона ва ташкилот 12060 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Мазкур ярмаркаларда 5671 нафар фуқародан 4153 нафари доимий ишли бўлди. 1518 нафар кишига эса тегишли тартибда бошқа хизмат турлари таклиф этилди.

Айни чоғда аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурига асосан 38036 та ўрнига 42681 та янги иш ўрни яратилиб, бу борада белгиланган режа 112,2 фоизга бажарилди.

Биз ўтган йилнинг 10-20 декабрь кунлари шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, 4111 та хонадонда бандлик масаласини ўрганиш бўйича мониторинг ўтказдик. Бу мониторинг жойларда ёрдамга, саховат билан меҳр-муҳаббатга ташна одамларимиз ҳали анчагина борлигини кўрсатди. Бугунги кунда шунга мувофиқ тузилган режа асосида изчил иш олиб бораяпмиз. Демак, жорий йилда ҳам ҳар бир киши ардоқда бўлади.

**Абди ҚОДИРОВ.**

# «МАШИНА КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!»

**_Бугун Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» ва «Ласетти» автомобилларини нафақат юртимизда, балки хориж мамлакатларида ҳам кўпчилик харид қилмоқда. Бу борада «Қорақалпоқавтотеххизмат» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси қорақалпоғистонликларга мадад бўлаётир._**





Мисол учун биргина ўтган йилнинг ўзида «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган 15 636 349 минг сўмлик 1335 дона автомашина савдоси амалга оширилди. Бу бизнес-режада белгиланганидан 165 дона кўпдир. Демак, ватандошларимизда ўз юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар соҳибига айланиш истаги тобора кучаймоқда.

— Биз «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган автомобилларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ишларини ҳам амалга ошираяпмиз, — дейди «Қорақалпоқавтотеххизмат» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Абат Нуруллаев. — Бултур, масалан, 239 499 минг сўмлик шундай юмушларни бажардик. Бошқача айтганда, йил мобайнида автосалонимизга 3217 та автомобиль кириб-чиққани қайд этилди.

**Сервис**

Корхона қошида автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланувчи дўкон ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бундай қулайлик автомобиль эгалари учун ишни тезроқ битириш имкониятини яратмоқда. Ушбу дўкон орқали ўтган йили 107 480 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар сотилгани шундан далолат беради.

Корхона аҳли якунланган йилда 182 миллион сўм соф фойдани қўлга киритди. Бу фойданинг бир қисми ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, мижозларга қулайликлар яратиш, хайр-саховат ва ҳомийлик мақсадларига йўналтирилди. Аниқроғи, савобли ишлар учун 21 миллион сўм ажратилди.

Корхона жамоаси бу йил аҳоли истагига кўра, автомобиль сотуви ҳажмини ошириш, сервис хизмати сифатини янада яхшилаш, маиший ва пуллик хизмат турларини кўпайтириш ҳамда дўкон орқали 200 000 АҚШ долларилик эҳтиёт қисмларни сотиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

**Интилиш**

**_— Анчадан бери компьютер ўрганишни орзу қилардим, — дейди Тошлоқ туманилик Гуллола Абдураҳмонова. — Лекин туманимиздаги компьютер курслари пуллик, имкониятим эса..._**

# Ҳунари бор — зари бор

Шунда «Камолот» ЁИҲнинг туман бўлими қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»да «Компьютер саводхонлиги» курси очилганлигини эшитиб қолдим. Дугоналарим билан курсга қатнай бошладик. Уч ойдан сўнг курсни битириб, сертификат олдим. Айни пайтда мазкур марказда компьютер саводхонлиги бўйича сабоқ бераяпман.

Дарвоқе, Фарғона вилоятининг 8 та туман ва шаҳарларида юқоридаги каби марказлар фаолият кўрсатаяпти. Уларда касб-ҳунарга йўналтириш, компьютер саводхонлиги, спорт соғломлаштириш, ҳуқуқий маслаҳат, маънавий тарғибот, биринчи тиббий ёрдам, тикувчилик, сартарошлик йўналишлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Биргина ўтган йили салкам 4000 нафар ёш ҳунар эгаллади. Тингловчилар қабул қилишда кам таъминланган оилалар фарзандлари, билиб-билмай ҳаётда қоқилган ёшларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бугун Қўқон шаҳрида ҳаваскор фотодизайнерлик, Марғилонда ҳуқуқий маслаҳат, Фарғона шаҳрида рақс, Ёзёвонда биринчи тиббий ёрдам, Учкўприкда сартарошлик курслари ишлаб турибди. Буларнинг барчаси юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик нишонасидир.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НАВОИЙДА БУЮМ БОЗОРИ

Навоий шаҳрида янги буюм бозори иш бошлади. Деҳқон бозори ёнида уч гектарлик мажмуа қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги бозор қурилиши учун Навоий вилояти «Турон» банки 250 миллион сўм маблағ ажратган эди. Қолган маблағ эса тадбиркорлар ҳисобидан қопланди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

Табиат ва инсон

## хушманзара дарахт кўчатларини кўпайтиришаяпти

**_Қашқадарё вилояти марказий давлат ўрмон хўжалиги жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги "Япон софораси ва сохта каштан дарахти кўчатларини экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда._**

Жумладан, бултур 20 минг туп софора кўчати етиштириш кўзда тутилган бўлса, амалда бу кўрсаткич 170 минг тупни ташкил этди.

Софора дарахтини ўлкамизда кўпайтиришдан мақсад атроф-муҳит мусаффолигини сақлашдан иборат. Барги ва гули антисептик таъсирга эга бўлиб, йирингли ярани, терининг кесилган жойини тузатишда табиий малҳам. Унинг соясида дам олган киши ўзини бардам сезади.

— Бундан ташқари, софора тез ривожланади, — дейди Баҳористон ўрмон хўжалиги бўлим бошлиғи Муқим Оллобердиев. — У йилига бир ярим метр, унумдор ерда эса, икки метргача ўсади. Софоранинг ер танламаслиги, уруғининг унувчанлик даражаси 90 фоиздан ошиши, ниҳолининг иқлимга мосланувчанлиги, қолаверса, табиий гўзаллиги юртимизда уни кўпайтиришнинг истиқболидан дарак беради.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Китоб, Қамаши, Қарши, Яккабоғ ўрмон хўжаликларида 20 гектардан зиёд ер софора уруғини экишга тайёрлаб қўйилди. Шу билан бирга, вилоят ўрмончилари томонидан каштан дарахтларини кўпайтириш бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, ўтган йили 3,5 гектар майдонга каштан уруғи сепилди.

— Каштан софорадан фарқ қилиб, салқинни ёқтиради, намсевар дарахт, — дейди Муқим Оллобердиев. — Бироқ унинг уруғидан кўчат кўкартириш анча ҳафсалани талаб қилади. Аммо у қийғос очилиб, гулга кирганда, чарчоғингиз бир зумда тарқаб кетади. Чинакам гўзаллик шайдоларигина каштан етиштиришга бел боғлаганининг боиси шунда.

**Абдулла БОБОЁРОВ.**

# Ўқув маркази — грант соҳиби

**_Республика Ногиронлар жамиятининг Хоразм вилояти бўлими Ўзбекистон Нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 6,5 млн. сўмлик гранти соҳиби бўлди._**

Ана шу маблағ эвазига яқин кунларда Урганч шаҳрида ногиронлар учун навбатдаги бепул ўқув маркази иш бошлайди. Бу ерда компьютер саводхонлигидан сабоқ берилади. Ҳозирда ўқув маркази замонавий мебеллар ва компьютерлар билан жиҳозланмоқда.

Ўқув марказида йил охиригача 180 нафар ногиронлар компьютер асослари бўйича билимларини бойитадилар. Уларга ўқишни тугаллаганликлари ҳақида тегишли ҳужжат топширилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ УСУЛ

***Мамлакатимизда барча соҳалар қаторида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки мазкур ҳужжатларда тижорат банклари обрў-эътибори ва ишончлилигини ошириш мақсадида банк хизматлари соҳасида янги технологияларни жорий этиш, хусусан, сўм пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш миллий тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилган. Бугунги кунда ана шу талабларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани боис банк пластик карточкалари кундалик турмушимизда ҳисоб-китоб қилиш ва пул маблағларини сақлашнинг замонавий ва қулай воситасига айланмоқда. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида пластик карточкалар давр талаби бўлиб, улар юртимизда пул эмиссиясининг қисқаришига олиб келади, аҳоли учун ўз маблағларидан самарали фойдаланишда қулайликлар яратади.***

Хоразм вилоятида ҳам иккала қарор ижросини таъминлаш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят бўйича тижорат банклари томонидан 177386 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, банкоматлар сони 6 тани, жойларда ўрнатилган терминаллар сони эса 771 донани ташкил этади. Ўтган йили банкомат ва терминаллар орқали амалга оширилган нақд пулсиз тўловлар 2006 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Бу дегани — тўловлар 15,2 млрд. сўмга етди. Шундан савдо ва хизмат кўрсатувчи шохобчалар орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар 2,5 баравар ортиб, 4,1 млрд. сўмни ёки жами тўловларнинг 27,2 фоизини ташкил қилди.

Шу билан бирга, шаҳар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор идоралар, компаниялар, уюшмалар, тижорат банклари билан ҳамкорликда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи пунктларни терминаллар билан таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналарда аҳолидан тўловларни қабул қиладиган 23 та телефон, уяли алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қиладиган 20 та, шунингдек, 29 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси, 4 та авиа ва темир йўл кассаси, 5 та алоқа бўлими, 6 та меҳмонхона, 10 та аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчасига терминаллар ўрнатилган.

— Вилоятимизда пластик карточкалар оммалашиб, аҳоли кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди, — дейди Марказий банкнинг Хоразм вилояти бош бошқармасининг банклар фаолиятини тартибга солиш бўлими мудири Гулмира Соттибоева. — Чунки мижозлар унинг барча афзалликларини англаб етганлар. Дарҳақиқат, у — замонавий ва қулай ҳисоб-китоб воситаси. Мижоз унинг ёрдамида бевосита банкка келмасдан ёки банк ходимига мурожаат қилмасдан туриб, банкдаги ўз ҳисобварағини бошқариши, товарлар ва хизматлар ҳақини, коммунал тўловларини терминаллар орқали накдсиз тўлаши, банкоматлар орқали эса зарур миқдорда нақд пул олиши, шу тарзда маблағини кўпайтириши мумкин. Бундан ташқари, дўконга ёки сервис корхоналарига бирталай пулни кўтариб боришга ҳожат йўқ. Вақт тежалади, ҳисоб-китоб ҳам кафолатли бўлади. Қолаверса, карточка унинг эгаси ва банкка қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан муҳофазаланган.

## Қарор ва ижро

Терминал орқали савдо ва бошқа хизматлар кўрсатадиган корхоналар эса амалдаги ставкадан 20 фоиз кам ставкада даромад солиғи тўлаш имтиёзига эга. Шуни айтиб ўтиш жоизки, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни нақд пулсиз амалга ошириш, мижозларга яна бир қулайлик яратиш мақсадида 611 та корхона ва ташкилотнинг ишчи-хизматчиларига иш ҳақларини пластик карточкалар орқали бериш лойиҳаси жорий этилган. Чунончи, тижорат банклари зиммасига барча бюджет ташкилотлар ишчи-ходимлари, 500 нафардан ортиқ киши меҳнат қиладиган корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига ойлик иш ҳақини пластик карточкалар орқали тўлаш лойиҳасини жорий қилиш вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, бу иш изчил давом эттирилмоқда. Ҳозир вилоятдаги ишчи-ходимлар 500 кишидан ортиқ бўлган 34 та корхона ва муассасанинг 36417 нафар вакили ҳам ўзларининг сўм пластик карточкаларига эга. Натижада бу корхона ва ташкилотлар катта миқдордаги нақд пулни банкдан олиш, сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ чиқимларни камайтирмоқда. Ходимлар эса, иш ҳақи тўлаш муддатидан қатъи назар, ўзларига зарур суммани исталган вақтда карточкадан олиш ҳамда ўз иш жойларида банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Маълумки, пластик карточка ўз эгасига қулайлик билан биргаликда рағбат шароитини ҳам яратиб беради. Мижозларга сифатли банк хизмати кўрсатиш учун вилоят тижорат банклари томонидан жорий этилган «Овердрафт» истеъмол кредит тури шундай рағбат ҳисобланади. Ўтган йили «Асакабанк» вилоят филиали томонидан 263 та пластик карточка эгасига 130,2 млн. сўм, Миллий банк вилоят бўлими томонидан 100 млн. сўм миқдорида пластик кредит ажратилгани унинг яна бир афзал томонини кўрсатади.

Шу ўринда Миллий банк вилоят бўлими томонидан бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу банк томонидан 33740 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, турли соҳадаги савдо ва сервис корхоналарида унинг 98 та электрон савдо терминали ишлаб турибди. Масалан, Урганч халқаро аэропорти, «Уздунробита» компанияси вилоят филиали, «Хоразмтелеком» сингари аҳоли хизматидан кўп фойдаланадиган корхоналарда банк хизматининг шундай турини янада кенгайтириш, терминаллар сонини кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Пировардида ўтган йилнинг ўзида бундай терминаллар орқали 625 млн. сўмлик нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Айни чоғда банк ходимлари йирик ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи-хизматчиларига иш ҳақини пластик карточкалар орқали бериш лойиҳасини кенг жорий қилмоқдалар. Бугунги кунда 75 та корхонада банкнинг ана шу иш ҳақи лойиҳаси қўлланилаётгани банкнинг сўм карточкалари бўйича хизмат кўрсатиш тармоғи янада кенгайишидан далолат беради.

Дарҳақиқат, нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг тезкор, ишончли ва қулай воситаси ҳисобланган сўм пластик карточкалари барча мижозларнинг талабларига, қизиқишларига тўлиқ жавоб бермоқда. Бу эса вилоят тижорат банклари ходимларини янги хизмат тури сифатида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада кенгайтиришга рағбатлантираётир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ёшлар — келажагимиз чароғбони

2008 йил — Ёшлар йили

MIKROKREDITBANK

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
«МИКРОКРЕДИТБАНК»

юртимиз тадбиркор ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич сармоя учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, оилавий тадбиркорликни бошлаган ёшларга айланма маблағларини тўлдириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, фермер хўжаликлари ва микрофирмалар ташкил этган ёшларга ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараварига қадар



имтиёзли микрокредитлар ажратади.

Яна бир янгилик — ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки йиллик 30 фоиз даромад келтирадиган янги, қулай ва жозибали «Ёшлик» номли муддатли жамғарма омонат турини жорий этди.



Омонат мижозларнинг истак ва талабларига қараб 1, 3, 6, 9, 12, 15 ой муддатга қабул қилинади.

«Ёшлик» муддатли омонатининг фоизлари мижозларнинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади.

Бошланғич бадал миқдори — 50 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2008 йил 11 март куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қайтадан қўйилмоқда:

**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30О55-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси.**

**Бошланғич баҳоси — 118 800 000 сўм.**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 18 декабрдаги 10-0510/3659-сонли ажримга асосан тақдим этилган «Коинот & К» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйда жойлашган «Коинот» ресторани биноси (маъмурий ва хўжалик биноси — 300 кв.м., савдо зали — 512 кв.м.).**

**Бошланғич баҳоси — 331 900 000 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

***Лицензия DB001-000010.***

***Шунингдек, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 25 январдаги 18-сонида эълон қилинган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 22 февралдаги 10-0604/517-сонли ва 2007 йил 5 октябрдаги 10-0714/143-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон 30-тор кўчаси, 8-уй манзилидаги «Tomozem» МЧЖга тегишли, умумий майдони 1687 кв.м. бўлган икки қаватли бино бўйича аукцион савдолари тўхтатилди ва мазкур мулк савдодан олинди.***

260R/315



Одновременно и независимо от 2-х до 30 рабочих мест за одним ПЭВМ.




Для обратившихся до 1 марта — ПОДАРОК!!!

Оптимальное решение для офисов, отделов предприятий, бухгалтерий, дома. Вы сможете сэкономить на покупке новых ПЭВМ и сократить свои расходы более чем в 2 раза.

"INTEGRAL ASIA", г.Ташкент, ул. Фаргона йули, 13/12,
тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26, сот. 446-48-75, e-mail: tk_uz@onlineuz.net



ООО "Росагропромснаб",

являясь официальным дилером и сервисным центром ОАО "Теплоприбор" (г. Рязань, Россия) и ОАО "СИБНЕФТЕАВТОМАТИКА" (г. Тюмень) в Узбекистане, предлагает

счетчики газа ультразвуковые "Гобой-1"

Используются для учета расхода газа в жилых домах, административных и производственных помещениях при учетно-расчетных и технологических операциях при измерении объема газа.



ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР

- Максимально допустимое избыточное давление внутри корпуса – 200 кПа
- Введение архивов средних значений параметров:
  - часовые (глубина 45 суток);
  - суточные (глубина 300 суток);
  - месячные (глубина не менее 2 лет).
- Выпускаются со следующими условными проходами Ду и максимальными расходами Qмакс:

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Макс. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

Счетчики газа вихревые СВГ.М

Счетчики газа вихревые СВГ.М предназначены для оперативного и коммерческого учета потребляемого газа и других неагрессивных газов на промышленных объектах, а также объектах коммунально-бытового назначения.

СИБНА
ОАО ИНЖЕНЕРНО-ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ФИРМА "СИБНЕФТЕАВТОМАТИКА"



На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, 6-й квартал, д. 2.
(Ор-р – метро "М. Улугбек")
Тел./факс: 173-16-40, 276-90-57.

246R/268



более 50 расцветок ЛИНОЛЕУМ
г. Сыктывкар
На теплозвукоизоляционной подоснове
Ширина – 1,5; 2; 2,5; 3; 3,5 м
Производство – Россия, Украина

sanita САМАРА САНТЕХНИКА
Унитазы, умывальники. Производство – Россия. (г. Самара)

г. Харьков КАФЕЛЬ
- облицовочный
- для пола

Товары сертифицированы

Форма оплаты – любая, включая пластиковые карточки

Тел.: 232-12-20, 232-18-94, 236-07-77
(сот.) 175-50-12 E-mail: gammaprod@mail.ru

126Н/150


*Муҳтарам газетхон!*
*Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*







«АГРЕГАТ ЗАВОДИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

тўрт қаторли, чигитни аниқ экадиган механик ва пневматик сеялкаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Сеялкалар конструкциясини тайёрлашда хорижий фирмаларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланилган. Мазкур сеялкалардан Ўзбекистон Республикасининг деҳқончилик қилинадиган барча ҳудудлари ва қўшни минтақаларда фойдаланиш мумкин.



«PPAES-4-04» русумли сеялка чигит экиш ва 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган. Мазкур сеялка 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.



«PPAES-4» русумли пневматик сеялка эса чигитни ерга қадаш, маккажўхори, оқ жўхори, каноп, ерёнғоқ, кунжут, помидор, қанд лавлагиси, озуқа лавлагиси ва кунгабоқар уруғларини 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига экиш ва шу экинларга ишлов бериш учун мўлжалланган. У 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.

Завод манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.
Телефонлар: (998-71) 148-02-40 (қабулхона), (998-71) 248-16-51 (тақсимот бўлими).
Факс: (998-71) 148-17-40 (қабулхона), (998-71) 248-02-40 (тақсимот бўлими).
E-mail: agregat_zavodi@mail.ru

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

***• «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали кредити ҳисобига воҳада замонавий саноат корхоналари бунёд этилмоқда.***

***• Филиал ўтган йили мижозларга 7 миллиард 751 миллион сўмлик кредит ажратди.***

***• 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган жами кредит қўйилмалари 2,5 миллиард сўмни ташкил қилди.***




# МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ – ИШБИЛАРМОНГА МАДАД

«Ўзсаноатқурилишбанк» юртимиздаги қарийб саксон беш йиллик тажрибага эга бўлган йирик молия муассасаси ҳисобланади. Ўтган даврда у тор доирадаги идоралар ва вакиллик пунктларидан мустақил мамлакатимизнинг универсал молиявий-иқтисодий тизимига айланди. Ҳозирги кунда мазкур банк саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот соҳасидаги корхона ва ташкилотларга комплекс молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бунда асосий эътибор банкнинг молия жабҳасидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, банк капитали, активлар ва ресурслар базаси сифатини яхшилашга қаратилмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали фаолияти бунга ёрқин далил бўла олади.

Ушбу филиал томонидан амалга оширилаётган тадбирлар, жамоанинг саъй-ҳаракатлари натижасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ўтган йили 7 миллиард 751 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Ўз навбатида, бу маблағлар мижозларнинг иқтисодий имкониятлари ошишига хизмат қилаётир. Биргина кичик бизнес истиқболи учун ажратилган кредитлар ҳисобига 800 нафарга яқин янги иш ўрни яратилгани шундан далолат беради.

Ҳозир минтақавий филиал тасарруфида 2 та филиал, 3 та амалиёт, 11 та жамғарма кассаси, 7 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 8 та мини банк ҳамда коммунал тўловлар қабул қилиш учун 4 та махсус ва 3 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлайдиган ҳар бир ходим ўз фаолиятини юритишда ҳам жамиятга, ҳам мижозга фойда келтиришни асосий мезон, деб билади. Яъни, улар «Мижоз манфаати – ҳамма нарсадан устун» деган шиорга амал қилишади. Шу билан бирга, мижозларнинг кредит ва фоизларни қайтариш имкониятларини ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият беради. Бу усул, табиийки, кредитлашнинг ишончли ва мустақил тизимини яратишга имкон бераётир.

Биласиз, бугунги кунда мамлакатимизда фермер-



## Банк тизими

ликни ривожлантириш учун бир қатор имкониятлар яратилган. Шулардан бири моддий қўллаб-қувватлаш бўлиб, бунга республикамиздаги кўплаб молия муассасалари қаторида «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу маънода, мазкур минтақавий филиал томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бу филиал жамоаси 150 та фермер хўжалигининг ишини янада енгиллаштириш мақсадида жойларда мини банклар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар томонидан ажратилаётган кредитлар туфайли фермер хўжаликлари оёққа туриб, моддий-техника асосини тобора мустаҳкамламоқда. 2007 йилда давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига 439,0 миллион сўм маблағ ажратилгани бунинг исботидир.

— Ўтган йилнинг май ойида «Ўзсаноатқурилишбанк»ка мурожаат этиб, техника сотиб олиш учун кредит олмоқчи эканимни билдирдим, — дейди Кегайли туманидаги «Шойин жолши» фермер хўжалиги раҳбари Эркин Юсупов. — Банк ходимлари мени қўллаб-қувватлаб, қисқа фурсатда қарийб 26 миллион сўм кредит олишимда ёрдам беришди. Бу маблағга «Беларусь-80Х» тракторини сотиб олдим. Натижада ишимиз анча енгиллашди, 35 гектар майдондан 55 тонна уруғлик пахта, 10 гектар ердан 15,3 тонна ғалла етиштирдик.

Банкнинг молиявий мададидан фойдаланган бундай фермер хўжаликлари сони тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, «Тангир қодир» ва «Алишер» фермер хўжаликлари «Доминатор-204 МЕГА» русуми комбайнлар сотиб олган бўлсалар, «Жулдиз», «Абдурайим ийшон», «Оқ телпак» фермер хўжаликлари «Эффект Нива», «Клаас-Доминатор-130» техникаларини харид қилдилар.

— Юртимиз иқтисодиётининг муҳим таянчига айланиб бораётган фермерларни қўллаб-қувватлаш бугунги кундаги долзарб вазифа, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошлиғи Тонготар Тулепов. — Шу боис жамоамиз келгусида ҳам шу йўналишдаги хизматлар доирасини кенгайтириб бораверади.

Дарҳақиқат, филиал ходимлари яхши ниятлар билан бошланган 2008 йилда иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва мутаносиблигини таъминлаш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.** [t]


КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.**

**Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан “Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари” қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.**




Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:**

| | |
|---|---|
| **“Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали:** | |
| Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р. | 144-61-08, 132-01-26, 144-29-59 |
| ЛКЦ-0 Тошкент ш. | 50-36-79, 380-40-35 |
| КУ-1 Тўйтепа ш. | 21-306, 21-121, 186-57-51 |
| КУ-1 ф-л Ангрен | 2-27-61, 186-57-51 |
| ЛТЦ Бекобод | 2-54-11, 316-97-53 |
| **1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:** | |
| Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. | 135-36-59 |
| КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. | 65-80-43 |
| КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. | 168-72-86 |
| КУ-3 Тўйтепа ш. | 168-48-51 |
| **2-ШМАТБ манзили:** Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй. | 55-2-24-71 |
| КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. | 61-2-23-66 |
| КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. | 25-08-82 |
| КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. | 22-23-81 |
| КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй. | 52-9-24-55 |
| **3-ШМАТБ манзили:** Гулистон ш., Дўстлик кўр. | 27-16-20 |
| КУ Сирдарё ш. | 57-28-98, 57-34-36 |
| КУ Жиззах ш. | 77-05-27, 6-22-07 |
| ЛТЦ-2 Янгиер ш. | 72-30-28, 72-30-24 |
| **4-ШМАТБ манзили:** Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй. | 33-52-60 |
| **5-ШМАТБ манзили:** Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй. | 223-38-37 |
| **6-ШМАТБ манзили:** Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй. | 222-37-07, 222-00-43 |
| КУ Тўрткўл ш. | 532-30-60, ички 1-42 |
| КУ Беруний ш. | 524-30-60, ички 1-38 |
| **7-ШМАТБ манзили:** Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. | 3-59-07 |
| ЛТЦ-16 Денов ш. | 7-37-62 |
| **8-ШМАТБ манзили:** Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй. | 221-02-41 |
| ЛТЦ-15 Ғузор ш. | 55-22-1-67 |
| **9-ШМАТБ манзили:** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй. | 226-36-58, 226-36-33 |
| **10-ШМАТБ манзили:** Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. | 224-75-21 |
| КУ-3 Каттақўрғон ш. | 45-5-24-54 |
| КУ-4 Ғиждувон ш. | 57-2-14-75 |

**Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,**

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*“Ўзбектелеком” АК “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали*



РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

ЖАМОАСИ

*азиз юртдошларимизга қуйидаги юқори фоизли, янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:*

«Kamolot» — *1 ой, йиллик — 28%*
«Yoshlik» — *4 ой, йиллик — 28%*
«Orzu» — *15 ой, йиллик — 25 %*
«Kommunal to`lov» — *1 йил, йиллик — 30 %.*

**Мазкур омонат турларига маблағлар 2008 йилнинг 15 март кунига қадар қабул қилинади.**

*Шунингдек, «Ғаллабанк» ўз мижозларига*

*«SMS-Banking»*

*хизматини таклиф этади.*

Мазкур хизмат тури мижозларга ўз ҳисобварақлари, уларнинг айланмалари тўғрисидаги маълумотларни тез ва тўлиқ олиш имкониятини яратади.
«SMS-Banking» тизимига уланиш учун ўзингиз мижози бўлган «Ғаллабанк» филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

***«Ғаллабанк» хизматларидан фойдаланинг ва имкониятларингизни кенгайтиринг!***

**Маълумот учун телефонлар:**
**233-71-72, 236-74-30, 233-98-80.**

*«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН


Яхши хабар

***Навоий кон-металлургия комбинати маъдан изловчилар ва уларнинг оила аъзолари кўнгилли дам олишлари учун бир қатор ижтимоий объектларни қуриб битказди.***

# Инсон омилига эътибор

Чунончи, Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» сув омбори бўйида «Горняк» дам олиш пансионати ва «Олимпиячи» спорт-соғломлаштириш оромгоҳи қурилиб ишга туширилган бўлса, Зафаробод шаҳрида кончиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун замонавий Маданият саройи қад ростлади. Мазкур иншоотлар Зарафшон қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан бунёд этилаётир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон омилига бўлган эътибор натижасидир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ **ҲАКАМЛИК СУДИ**

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.**
**web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz**

# МАДАНИЯТ хабарлари

## «Болажонлар — ширинтойлар»

***Ўзбекистон Миллий санъат марказида 4-6 март кунлари "Болажонлар-ширинтойлар" тўртинчи республика болалар мода фестивалини ўтказиш режалаштирилган.***

Мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Осиё рамзи" модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Фестиваль доирасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда пойтахтимиздаги болалар ижодиёти марказлари вакилларининг қизиқарли чиқишлари бўлиб ўтади. Шунингдек, унда турли танловлар ва болалар иштирокидаги ижодий дастурлар намойиши ҳам кутилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу мода фестивали болалар кийимларининг экологик тоза матолардан тайёрланишига эътиборни кучайтириш, маҳаллий газламаларга бўлган талабни ошириш, дизайнерларнинг илмий, амалий ва интеллектуал тажрибасини янада бойитишга хизмат қилади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бухоро давлат қўғирчоқ театри репертуари яна бир янги асар билан бойиди. Театр жамоаси "Олтин тарвуз" мусиқали пьесасини жажжи томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.***

## Саҳнада — «Олтин тарвуз»



Кичкинтойлар мазкур асар орқали ўзбек халқ эртаги қаҳрамонлари — лайлак, чол ва кампир образлари билан учрашадилар. Ижодкорларнинг қадимий эртакка янгича ёндашуви асар мазмунини янада бойитган. Чунончи, саҳна асарида ўзбек халқ куйларидан ўринли фойдаланилгани, асарга миллий руҳ сингдирилганлиги болажонларда камтарлик, миллий қадриятларга интилиш каби хислатларни уйғотишга хизмат қилади.

## Истеъдодига тан беришди

***Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат коллежи ўқувчиси Суҳроб Ражабов нуфузли халқаро танловнинг якуний босқичида қатнашадиган бўлди.***

Ёш истеъдод соҳиби П.И. Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси ҳамда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилган "Янги овозлар" ("Новые голоса") кўригида иштирок этади.

Республика ёш ижрочилар кўрик-танловида олий мукофот соҳиби бўлган рубобчи йигит яқинда «Янги овозлар» танловининг гала-концертида қатнашиш учун таклиф қилинганди. Тадбирда ўзбекча куйлар қатори жаҳон мусиқасининг нодир асарларини ҳам қиёмига етказиб ижро этган Суҳроб Ражабов танлов ҳайъати аъзоларининг эътирофига сазовор бўлди. Шу боис, у халқаро танловда саралаш босқичисиз, тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КУЛОЛ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

Анъана

***Кулол қўллари билан яратилган бетакрор санъат дурдоналарини томоша қилганмисиз? Худди рассом асарлари каби бу буюмларнинг ҳам ўзига хос маънога эга тасвирлари, нақшлари кишига бениҳоя завқ бағишлайди. Шу топда уларнинг оддийгина лойдан ясалганига ишонгинг келмайди, киши...***



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Республика ҳунармандларининг "Усто" бирлашмаси қошида фаолият юритаётган Муҳиддин Раҳимов номидаги керамика тажриба комбинатида бўлганимизда, ана шундай бетакрор санъат асарларидан баҳра олдик.

— Бугун биз, ҳунарманд аҳли учун беқиёс имкониятлар яратилган, — дейди сиз суратда кўриб турган қўли гул уста Бахтиёр Ўсаров. — Шукрки, ёш бўлсам-да, ўз шогирдларим, устахонамга эгаман. Ясаган буюмларимиз архитектура ва дизайн соҳасида кенг қўлланилмоқда. Уй интерьери дейсизми, турли халқаро кўргазмалар, музейлар безаги дейсизми, хуллас, барида ҳунаримиз асқотаяпти. Шахсан ўзим Миллий рассомчилик ва дизайн институтини тамомлаганимдан сўнг кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги танловларда қатнашдим. Санъат ихлосмандлари "Кўҳна санъат", "Анор гуллари", "Сенинг кўзларинг" номли шахсий кўргазмаларим орқали иш услубим билан танишишган. Бундан ташқари, республика ҳунармандларининг "Ташаббус" кўрик-танловида ҳам қатнашиш, вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритишга муяссар бўлганман.

Ҳунармандлар ғайрати тошган. Устахоналарнинг қай бирига бош суқманг, қизғин иш устидан чиқасиз. Бу ердан маҳалла йигитлари, талабалар, мактаб ўқувчиларининг қадами узилмайди. Бахтиёр устанинг шогирдлари ҳам Мустақиллик байрами, Наврўз сайиллари, турли оммавий тантаналар муносабати билан ташкил этиладиган кўргазмаларнинг фаол иштирокчисига айланишган. Улар устозлари сингари қўли гул ҳунарманд бўлиш орзусида касб-ҳунарларини янгича тасаввур, ижодкорлик кайфияти ила бойитмоқдалар.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## Фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликлар эгалари диққатига!

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги «Мева-сабзавот, полиз ва узум ресурсларидан унумли фойдаланиш чоралари тўғрисида»ги 145-сон Қарорига мувофиқ, Республика ички истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бозорларда нархларни барқарорлаштириш, экспортга чиқариш учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимининг қуйидаги ҳудудий улгуржи савдо базалари билан картошка, пиёз, сабзи, бодринг, карам, қовун, узум, тухум, асал, гуруч ва гўшт маҳсулотларига**



**фьючерс шартномалари тузишга таклиф этамиз:**

| т/р | Улгуржи базанинг номи | Манзили | Хизмат телефони |
|---|---|---|---|
| 1 | «Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораси | Тошкент ш., Олтинкўл кўч., II-тор кўча, 115 | 291-40-11 |
| 2 | «Андижонгўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Андижон ш., Чинобод к., 1 | 26-33-22 |
| 3 | «Бухорогўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Бухоро ш., Коғон шоссеси, 10 | 5-41-71 |
| 4 | «Жиззахгўштсутсавдо» | Жиззах ш., «А» саноат ҳудуди | 6-05-45 |
| 5 | «Қашқадарёозиқовқатмоллари» ОАЖ ҲУБ | Қарши ш., «Ўзбекистон овози» газетаси» к. | 7-02-98 |
| 6 | «Наманганғўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Наманган ш., Юқори Раустон | 32-64-60 |
| 7 | «Намангансавдо улгуржи база» МЧЖ | Наманган ш., Навоий к., 31 | 33-54-27 |
| 8 | «Наманганулгуржисавдоинвест» МЧЖ | Наманган вил., Тўрақўрғон тумани, Янги шаҳар қишлоғи | 444-22-191 |
| 9 | «Навоийулгуржисавдоинвест» МЧЖ | Навоий ш., Спутник-3 | 5-49-00 |
| 10 | «Самулгуржиагросервис» ШК | Самарқанд ш., Ёқубов к., 121 | 21-80-10 |
| 11 | «Сурхондарёозиқовқатмоллари» ОАЖ ҲУБ | Термиз ш., Ҳидоятов к., 1 | 2-38-67 |
| 12 | «Фарғонагўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Марғилон ш., Янги Фарғона к., 1 | 237-40-26 |
| 13 | «Қўқон баққоллиқ» МЧЖ УҲБ | Қўқон ш.,«Халқ сўзи» рўзномаси» к., 16 | 2-26-00 |
| 14 | «Қиргулисавдо» МЧЖ ҲУБ | Фарғона ш., Қиргули м., Кўкаламзор к., 8 | 2-58-00 |
| 15 | «Янгийўл улгуржи савдо база» МЧЖ | Янгийўл ш.,Самарқанд кўч.,187 | 2-37-01 |
| 16 | «Сервисторг» МЧЖ УУҲБ | Тошкент ш., Фурқат к., 6 | 139-18-75 |
| 17 | «РТПФ Тижорат» ОАЖ УУҲБ | Тошкент ш., Навоий к.,25 | 139-11-55 |
| 18 | «Қорақалпоқгўштсутсавдо» ОАЖ УУҲБ | Нукус ш., Бердах гуз., 6 | 3-72-17 |
| 19 | «Фарғонаулгуржисавдоинвест» МЧЖ ҲУБ | Фарғона вил., Марғилон ш., «Тонг юлдузи» к., 2 | 237-54-45 |













# Спорт ● Sport ● Спорт

## Бадиий гимнастикачилар баҳси



**Спортнинг нафис турларидан ҳисобланган бадиий гимнастика мамлакатимиздаги юзлаб қизларнинг севимли машғулотига айланиб қолди.**

Бу борада жойларда мунтазам ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларининг ҳам ўрни катта. Яқинда пойтахтимиздаги Журжоний спорт мажмуаси бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар биринчилигига мезбонлик қилди. Унда 88 нафар қиз ғолиблик учун баҳс юритдилар.

Мусобақа якунида Диёра Ҳакимова, Настя Абрамкина, Тамила Хўжаева, Лера Давидова сингари бадиий гимнастика усталари шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олишди.

## Умида ва Озода пешқадам

***Шахмат бўйича аёллар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида учинчи тур учрашувлари ортда қолди.***



Ушбу турдан сўнг қашқадарёлик Умида Чоршанбиева ва навоийлик Озода Каримова 3 тадан очко жамғариб, пешқадамлик қилишмоқда. Ирода Ибрагимова (Сурхондарё), Сарвиноз Қурбонбоева (Сирдарё) ва Мафтуна Маматқулова (Тошкент вилояти)лар пешқадамлардан ярим очко ортда қолишган.

## «Mehrjon-Sport»нинг саховати

**Маълумки, "Mehrjon — Sport" республика хайрия жамоат фонди меҳрибонлик уйлари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни спортга мунтазам жалб этиш ишларида фаол қатнашиб келади.**

Жамғарма кўмагида болалар ўртасида сузиш, бокс, дзюдо, шахмат бўйича "Олимпиада умидлари" мусобақасини уюштириш анъанага айланиб қолди.

Жамғарма Ёшлар йили муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни, Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини турли бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш мақсадида "Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компанияси билан 248 миллион сўмлик суғурта тузилди.

Суғурта полислари Меҳрибонлик уйларининг ҳар бир тарбияланувчисига тантанали равишда топширилди.

## Рекорд янгиланди

Санкт-Петербург шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган Россия чемпионатида Европа рекорди янгиланди.



Ўн саккиз ёшли Анастасия Зуева 100 метрга чалканча усулда сузишда 59,61 сония натижага эришиб, рекорд ўрнатди. Бундан аввалги юқори кўрсаткич франциялик таниқли спортчи Лор Манодуга тегишли. У 100 метрга ана шу усулда сузишда 59,87 сониялик натижага эришган эди.

## Европа футбол майдонларида



***Футбол оламининг нуфузли мусобақаларидан саналган Европа чемпионлар лигасининг дастлабки нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтди.***

Нимчорак финалнинг энг қизиқарли баҳсларидан бири "Энфильд Роуд" стадионида "Ливерпуль" ва "Интер" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Кюйт ва Жеррард томонидан киритилган голлар "Ливерпуль"нинг 2:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Рома"— "Реал" 2:1, "Шальке" —"Порту" 1:0, "Олимпиакос" — "Челси" 0:0, "Лион"— "Манчестер Юнайтед" 1:1, "Арсенал"—"Милан" 0:0, "Сельтик"— "Барселона" 2:3, "Фенербахче"—"Севилья" 3:2.

Жавоб учрашувлари 4-5 март кунлари ("Интер"—"Ливерпуль" 11 март) ўтказилади.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
**Баҳром МАВЛОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси санъатшунослик доктори, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий академиги, таниқли олим
**Рафаил Хадиевич ТАКТАШнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муродулла Худоёровга онаси
**РУХСАТ ая, рафиқаси Лайло САТТОРОВА ва фарзандларининг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси университет фахрийси
**Суръат Қодирович АБДУРАЗЗАҚОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси
**Асқар АСЛАНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6 8